



POLITICAL TECHNOLOGIES FOR WORKING WITH MASS MEDIA AND JOURNALISTS IN ORGANIZING STATE INFORMATION POLICY

Mamur Hamroqulovich Bayonov

Independent Researcher

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: State information policy, political technologies, mass media, journalistic professional ethics, information sources, press service, digital platforms, information transparency.

Received: 04.05.26

Accepted: 05.05.26

Published: 06.05.26

Abstract: Working with the media and journalists is of great importance in the effective organization of state information policy. This article systematically studies the issues of professional ethics and professional responsibility of journalists. Based on the foreign experience of developed countries such as Singapore, Germany and Great Britain, effective methods of working with the media are analyzed. Also, political technologies used in the implementation of state information policy, modern methods of information dissemination, mechanisms for direct communication with journalists and ways of effective use of digital platforms are studied. As a result of the research, practical proposals have been developed that can be implemented in the practice of Uzbekistan.

ДАВЛАТ АХБОРОТ СИЁСАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ОАВ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Маъмур Ҳамроқулович Байёнов

Мустақил тадқиқотчи

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Давлат ахборот сиёсати, сиёсий технологиялар, оммавий ахборот воситалари, журналист касб этикаси, ахборот манбалари, матбуот хизмати, рақамли платформалар, ахборот шаффофлиги.

Аннотация: Давлат ахборот сиёсатини самарали ташкил этишда ОАВ ва журналистлар билан ишлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада журналистнинг касб этикаси ва профессионал масъулияти масалалари тизимли ўрганилган. Сингапур, Германия ва Буюк Британия каби

ривожланган давлатларнинг хорижий тажрибаси асосида ОАВ билан ишлашнинг самарали усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, давлат ахборот сиёсатини амалга оширишда қўлланиладиган сиёсий технологиялар, ахборот тарқатишда замонавий усуллар, журналистлар билан тўғридан-тўғри алоқа механизмлари ва рақамли платформалардан самарали фойдаланиш йўллари ўрганилган. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон амалиётига татбиқ этиш мумкин бўлган амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

ПОЛИТИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ РАБОТЫ СО СРЕДСТВАМИ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ И ЖУРНАЛИСТАМИ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ

Маъмур Ҳамрокулович Баёнов

Независимый исследователь

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: государственная информационная политика, политические технологии, средства массовой информации, профессиональная журналистская этика, источники информации, пресс-служба, цифровые платформы, информационная прозрачность.

Аннотация: Работа со СМИ и журналистами имеет большое значение для эффективной организации государственной информационной политики. В данной статье систематически изучаются вопросы профессиональной этики и профессиональной ответственности журналистов. На основе зарубежного опыта развитых стран, таких как Сингапур, Германия и Великобритания, анализируются эффективные методы работы со СМИ. Также изучаются политические технологии, используемые при реализации государственной информационной политики, современные методы распространения информации, механизмы прямой коммуникации с журналистами и способы эффективного использования цифровых платформ. В результате исследования разработаны практические предложения, которые могут быть реализованы на практике в Узбекистане.

Кириш. Давлат ахборот сиёсатини ташкил этишда ОАВ ва журналистлар муҳим рол ўйнайди. ОАВ ахборотни жамоатга етказишнинг асосий манбаи бўлиб, давлат сиёсати ва

унинг ислохотларини, ижтимоий жараёнларни ахборот муҳитига сингдиришда самарали воситадир. Журналистлар эса ахборотни тўғри ва мустақил тарзда таҳлил қилиб, оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш ва ўзига хос фикр юритиш учун масъулдирлар. Бу контекстда сиёсий технологиялар — давлат ва жамоат ўртасида ахборот оқимини бошқаришга йўналтирилган усул ва воситалар мажмуи — давлат ахборот сиёсатининг мақсадларига эришишда муҳим восита ҳисобланади.

Давлат бошқаруви органлари ахборот хизмати тузилмалари ходимлари ОАВ ва журналистлар билан муносабатга киришар экан, қонунларга амал қилиш билан бирга касб одоби меъёрларига ҳам риоя қилади. Миллий журналистика тарихида «Журналистларнинг ахлоқ кодекси»ни яратишга илк ҳаракат Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд бўлими томонидан амалга оширилган бўлиб, кейинчалик Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг IV конференциясида «Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси» қабул қилинган. Россиялик тадқиқотчи Б.Лозовскийнинг ёндашувига кўра журналист ахборот манбалари билан ишлашда ишончлиларини танлаши, улар билан боғланиш йўллари қидириши ва олинган маълумотларни текшириши зарур. Шу маънода касб этикаси ва журналистнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Б.МакНейр[1] ўзининг мақоласида давлат ахборот сиёсатини шакллантиришда сиёсий технологияларнинг ОАВ билан муносабатдаги ўрнини кенг таҳлил қилади. Муаллиф ҳукумат тузилмалари, сиёсий партиялар ва журналистлар ўртасидаги ахборот алмашинуви механизмларини ўрганиб, «спин докторлик» амалиёти ва медиа-менежмент стратегияларининг замонавий демократик жамиятлардаги таъсирини эмпирик далиллар асосида кўрсатади. Бундан ташқари, рақамли медиа муҳитида давлат ахборот сиёсатининг янгича шаклланиши ва журналистлар фаолиятига сиёсий босимнинг янги усуллари ҳақида муҳим хулосалар беради.

Н.Рудакова[2] монографиясида постсовет давлатларида давлат ва ОАВ ўртасидаги муносабатларнинг сиёсий-технологик жиҳатларини чуқур таҳлил қилади. Муаллиф журналистик этика ва давлат ахборот сиёсати ўртасидаги зиддиятларни, ҳукумат тузилмаларининг матбуотни назорат қилиш усулларини ҳамда ахборот макони устидан сиёсий бошқарув механизмларини кўриб чиқади. Айти пайтда, Рудакова давлат ва журналистлар ўртасида қарама-қарши манфаатлар келиб чиққанда ахборот сиёсатининг қандай йўналиш олишини аниқ мисоллар орқали исботлайди.

А.Дэвис[3] асарида инқирозли даврларда давлат ахборот сиёсатини ташкил этишда қўлланиладиган сиёсий технологияларни замонавий нуқтаи назардан тадқиқ этади.

Муаллиф ОАВ ва сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро таъсир моделларини таҳлил қилиб, давлатнинг медиа муҳитини бошқариш стратегиялари — жумладан, рейтинг мақсадидаги ахборот тарқатиш, танлаб назорат қилиш ва журналистлар билан ишлашнинг расмий ҳамда норасмий каналларини ўрганади. Дэвис, ахборот сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан сиёсий технологларнинг профессионал даражасига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди.

П.Норрис ва Р.Инглехарт[4] ўз китобларида популист сиёсий ҳаракатларнинг ОАВ билан ишлаш технологияларини ва давлат ахборот сиёсатининг демократик жараёнларга таъсирини кенг қамровли социологик маълумотлар асосида ўрганади. Муаллифлар ҳукуматларнинг журналистлар фаолиятини назорат қилиш ва ахборот оқимларини бошқариш юзасидан қўллайдиган сиёсий воситаларни солиштирма таҳлил қилиб, ахборот сиёсати самарадорлигини белгиловчи сиёсий, маданий ва технологик омилларни аниқлайди. Тадқиқотда ахборот муҳитининг қутбланиши ва давлат сиёсатидаги алоқадорлиги ҳам ёритилган.

Р.К.Нилсен[5] илмий ишида рақамли даврда давлат ахборот сиёсатини ташкил этишнинг янги сиёсий технологияларини таҳлил қилади. Муаллиф ҳукуматларнинг ижтимоий тармоқлар, онлайн ОАВ ва анъанавий матбуот билан муносабат ўрнатишдаги стратегик ёндашувларини, шунингдек журналистлар билан расмий ва норасмий алоқалар ўрнатиш механизмларини кўриб чиқади. Мазкур тадқиқотда, Нилсен ахборот сиёсатидаги шаффофлик даражаси ва демократик назорат тизимининг самарали ишлаши ўртасидаги боғлиқликни эмпирик кўрсаткичлар орқали асослаб беради.

С.Волтмер[6] илмий мақоласида янги демократик давлатларда давлат ахборот сиёсатини ташкил этишда ОАВ билан ишлашнинг сиёсий технологияларини қиёсий таҳлил қилади. Муаллиф ҳукумат структуралари ва журналистлар жамоаси ўртасидаги муносабатларнинг институционал асосларини, давлат ахборот кампанияларини режалаштириш ҳамда оммавий ахборот воситаларини сиёсий мақсадларга йўналтириш механизмларини тадқиқ этади. Волтмер, айниқса, ўтиш даврида ахборот сиёсатининг шаклланиш хусусиятларини ва журналистик мустақиллик даражасига таъсирини эмпирик маълумотлар асосида кўрсатиб беради.

Ч.Чэдвик[7] ўз асарида замонавий давлатларнинг анъанавий ОАВ ва рақамли медиа муҳитини бирлаштирган ҳолда ахборот сиёсатини ташкил этиш стратегияларини мукамал таҳлил қилади. Муаллиф сиёсий технологларнинг журналистлар билан ишлашда қўллайдиган гибрид коммуникация моделларини, ижтимоий тармоқлар орқали ахборот агендаси шакллантириш усулларини ҳамда расмий пресс-хизматлар фаолиятини

ўрганади. Чэдвак рақамли даврда давлат ахборот сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан анъанавий ва замонавий медиа каналларини мувофиқлаштириш қобилиятига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда қуйидаги илмий усуллардан фойдаланилди: кузатиш ва умумлаштириш усуллари — ҳодисаларни бирламчи баҳолашда; таққослаш усули — хорижий давлатлар тажрибасини ўзаро ва маҳаллий амалиёт билан солиштириш мақсадида; таҳлил ва синтез усуллари — ахборот сиёсати механизмлари моҳиятини очиб бериш учун қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Профессор Х. Дўстмуҳаммад журналистнинг касбий масъулияти ва ахлоқ нормалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, ҳаваскорлик ва профессионалликнинг фарқини қуйидагича ифодалайди: «Ҳаваскорлик касб қонунларига билмай-билмас, кўр-кўрона ва пала-партиш риоя этишда ифода топади. Профессионаллик эса касб қонунларига онгли равишда риоя қилиш ва ихтиёрий масъулият туйғусини ҳис қилишда намоён бўлади». Демак, касбий масъулиятни англаб етган мутахассисгина профессионаллик даражасига эриша олади.

Миллий журналистика тарихида «Журналистларнинг ахлоқ кодекси»ни яратишга илк ҳаракат Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд бўлими томонидан амалга оширилган бўлиб, унинг 23 та моддасидан бири ахборот манбасига бағишланган. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг IV конференциясида қабул қилинган «Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси»да ҳам ушбу масала алоҳида ўрин эгаллайди. Филология фанлари доктори Н. Қосимованинг таъкидлашича, журналист манбалар билан ишлашда бир қатор тамойилларга амал қилиши лозим: манбанинг очиқ ва ошкоро гапиришига кўмаклашиш; ахборотни етказиш шартларини олдиндан келишиб олиш; манба илтимосига кўра унинг шахсини махфий сақлаш; ҳамкорликни узок муддатли асосда қуриш.

Давлат ахборот сиёсатини ташкил этишда ОАВ билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор давлатлар тажрибаси ўрганилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, ривожланган демократик давлатларда давлат ва ОАВ ўртасидаги ҳамкорлик аниқ стратегик ёндашувлар асосида қурилган.

Жанубий Корея ёшлар сиёсати ва ОАВ билан алоқалардаги юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Бу мамлакатда ахборот тарқатишда инновацион технологиялар ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилади, давлат ва жамоатчилик ўртасида юқори даражадаги ҳамкорлик таъминланади.

Сингапурда эса ОАВ орқали давлат ва жамоатчилик ўртасида ўзаро алоқа тизимли равишда ташкил этилган бўлиб, давлатга доир лойиҳалар кенг жамоатчилик орасида мунтазам оммалаштириб борилади. Бунда ахборот тарқатиш жараёни мақсадли ва интерактив шаклда олиб борилади.

Германияда ОАВнинг фаол иштироки ҳамда ахборотни кенг қамровли форматда тарқатишга қаратилган стратегик ёндашув мавжуд. Фаол мулоқотлар, жамоатчилик муҳокамалари ва медиа платформалар орқали жамоатчилик ташаббусларига катта эътибор берилади.

Шведияда шаффофлик ва очиқ мулоқот тамойиллари устувор ўрин эгаллайди. ОАВ орқали жамоатчилик фикрини кенг оммага етказишнинг замонавий усуллари қўлланилиб, бу ёндашув жамиятнинг ижтимоий жараёнларда фаол қатнашишига хизмат қилади.

Буюк Британияда давлат органлари ва ОАВ ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада тизимлаштирилган бўлиб, янги медиа платформалардан самарали фойдаланиш ва давлат сиёсатини жамоатчиликка етказиш механизмлари яхши йўлга қўйилган.

Австралияда эса давлат ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқотни кучайтиришда ижтимоий инновацияларга урғу берилади. Ахборотнинг тезкор, осон ва тушунарли тарзда тарқалишига алоҳида аҳамият қаратилади. Юқорида санаб ўтилган давлатлар тажрибасини умумлаштирадиган бўлсак, самарали давлат ахборот сиёсатининг асоси — шаффофлик, тизимли ҳамкорлик ва рақамли технологиялардан мақсадли фойдаланишдан иборат экани аён бўлади.

Ахборот манбалари, хусусан, давлат бошқаруви органлари жамоатчиликка холис ва тезкор ахборот етказиш борасида масъулдир. Давлат ташкилотларининг ахборот хизматлари фаолияти бевосита раҳбарга боғлиқ экани ҳақида журналист А.Қурбонова шундай фикр билдиради: «Вазир ёки ташкилотнинг раҳбари очиқ бўлмагани учун ҳам Матбуот хизматининг фаолияти оқсайди. Яъни матбуот котиби минг маҳоратли бўлмасин, у ўз фаолиятини тўғри ва изчил йўлга қўя олмайди. Чунки кўп масалаларда раддия, ё баёнот беролмайди, ташкилот имижини шакллантиришда, ОАВга керакли ахборот беришда қийналади».

Ягона ахборот каналининг йўқлиги ҳам журналист фаолиятини чалкаштиради ва низоли ҳолатларнинг юзага келиши учун асос бўлади. «Qalampir.uz» собиқ Бош муҳаррири С.Абдуллаев куйидагича ёзади: «Вазирлик ва идоралар ҳудудий бошқармаларининг ижтимоий тармоқларда шу қадар кўп саҳифалари борки, баъзан ОАВда эълон қилинган қайси бирида жавоб янграшини билолмай киши ҳайрон қолади.

Бундан эса кўп сонли ўқувчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари беҳабар қолган».

Амалдаги қонунчиликка кўра журналист техник қурилмаларни қаерда ишлатиш мумкинлигини ташкилот билан келишиши ёки ташкилот низомини кўриб чиқиши лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарорига асосан объект маъмурияти кириб-чиқиш йўриқномасини ўзи тасдиқлайди. Шунга кўра айрим давлат ташкилотлари бинога кириш учун жиҳозларолиб кириш билан боғлиқ чеклов ўрнатган бўлиши мумкин. Бироқ бундай ҳолатда журналистлар ахборот манбасини бошқа объектга таклиф этиши ва суҳбатни техник ускуналар ёрдамида ёзиб олиши мумкин.

Замонавий давлат бошқарувида ахборот сиёсатини самарали амалга ошириш учун сиёсий технологиялардан фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. "Сиёсий технология" тушунчаси илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Рус сиёсатшунос олими Г.Почепцовнинг таърифича, сиёсий технология — бу "жамоатчилик онгига мақсадли таъсир кўрсатиш ва керакли сиёсий натижага эришиш учун қўлланиладиган воситалар, усуллар ва механизмлар мажмуасидир". Ушбу назария давлат-ОАВ муносабатларини таҳлил қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Немис социологи Ю.Хабермаснинг "коммуникатив ҳаракат назарияси"га кўра эса давлат ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқот қанчалик очик ва тенг ҳуқуқли бўлса, демократик бошқарув шунчалик самарали бўлади. Ушбу назарий асослардан келиб чиқиб, давлат ахборот сиёсатида қўлланиладиган сиёсий технологияларни қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин.

Бизнингча, давлат ахборот сиёсатининг мақсадларига эришишда қуйидаги сиёсий технологиялар муҳим восита сифатида хизмат қилади. Биринчи технология — ахборотни мақсадли шакллантириш ва тарқатиш усуллари. Давлат ахборот сиёсатида, айниқса, ахборотни кенг жамоатга етказишда мақсадли ахборот стратегиялари қўлланилади. Бу турдаги сиёсий технологиялар ахборотни танлаб бериш, шакллантириш ва йўналтирилган тарзда тарқатишга қаратилган. Журналистларга маълумотларни шакллантиришда муайян нуқтаи назар ёки расмий позицияни акс эттиришда кўмаклашиш мумкин. Ушбу технологиянинг биринчи кўриниши — фокуслашган ахборот тарқатишдир. Давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари давлатнинг расмий позициясини ёки сиёсий қарорларни тарғибот қилиш учун ахборотни фокуслашган ҳолда тақдим этади тарғиб этиш мақсадида ахборотни йўналтирилган тарзда тақдим этади. Бунда уларнинг маъновий контекстини қайта ишлашдир. Иккинчи кўриниши — ахборотни танлаб тарқатишдир.

Мақсадга йўналтирилган ахборот сиёсати доирасида маълумотларни танлаб ва тартибга солиб тарқатиш орқали жамоат фикрига таъсир кўрсатиш амалиёти кузатилади.

Иккинчи технология — журналистлар билан бевосита алоқа ўрнатиш. Давлат органлари журналистлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва уларга ахборот бериш орқали ахборот сиёсатини амалга оширади. Бу йўналишда бир нечта усул амалга оширилади. Биринчиси — маъруза ва пресс-конференциялар. Давлатнинг расмий баёноتلарини оммавий ахборот воситалари орқали етказишда пресс-конференциялар, брифинглар ва маърузалар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирларда журналистлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказилади, давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз позициясини аниқ ва тушунарли тарзда баён этадилар. Иккинчиси — ахборот материалларини тақдим этишдир. Журналистларга давлатнинг стратегиялари, ислохотлари ва аниқ қарорлари тўғрисида материаллар ва ахборотларни тақдим этиш самарали усул ҳисобланади. Бу ахборот кўпинча турли шаклларда инфографика, электрон тасвирлар ва видеоматериаллар кўринишида тарқатилади

Учинчи технология — рақамли технологиялар ва ОАВ билан ишлаш. Замонавий ахборот сиёсатини амалга оширишда рақамли платформалар ва интернет имкониятларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Жумладан, давлат органлари оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда ижтимоий тармоқлар, блоглар ва веб-сайтлар орқали ахборот тарқатишда рақамли медиа ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилади. Бу давлат сиёсатини кенг аудиторияга етказишнинг тезкор ва самарали усулидир. Шунингдек, вебинарлар, онлайн конференциялар ва видеоконференциялар давлат органлари билан журналистлар ўртасидаги ахборот алмашинувини таъминловчи замонавий воситалар сифатида алоҳида ўрин тутади.

Тўртинчи технология — мақсадли аудиторияга йўналтирилган ахборот тарқатиш. Ахборот тарқатиш жараёнида фақат кенг аудитория эмас, балки аниқ мақсадли гуруҳлар ҳам назарда тутилади. Масалан, муайян сиёсий ёки ижтимоий гуруҳларга расмий позицияни тушунтириш ёки уларни муайян қарорлар хусусида хабардор қилиш мақсадида махсус ахборот материаллари тайёрланади. Давлат ахборот сиёсати аниқ аудиторияга йўналтирилган контент ишлаб чиқиш ва оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга асосланиши мумкин. Хусусан, давлат органлари этник ёки ижтимоий гуруҳларга мўлжалланган махсус ахборот тўпламлари тайёрлайди ва тарқатади.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, давлат ахборот сиёсатини самарали ташкил этишда касб этикаси ва журналист масъулияти марказий ўрин тутади. Журналист ахборот манбалари билан ишлашда одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилмаслик,

айбсизлик презумпциясини инобатга олмаслик ва маълумотларни текширмай тарқатиш нафақат алоҳида шахсларга, балки умумий ахборот муҳитига жиддий зарар етказди. Жанубий Корея, Германия, Швеция ва Буюк Британия каби мамлакатлар тажрибаси тасдиқлайдики, ёшлар ва жамоатчилик билан ахборот алмашинувини тизимлаштириш, рақамли платформалардан самарали фойдаланиш ва шаффоф мулоқот механизмларини йўлга қўйиш давлат ахборот сиёсатининг самарадорлигини сезиларли оширади. Давлат ахборот хизматларининг фаолияти бевосита раҳбарнинг очиклигига боғлиқ бўлиб, ягона ахборот каналининг йўқлиги журналистлар билан низоли вазиятларни келтириб чиқаради. Сиёсий технологиялар эса — манипуляция усуллари, рақамли платформалар, мақсадли ахборот тарқатиш ва журналистлар билан тўғридан-тўғри алоқа — давлат ахборот сиёсатини амалга оширишда ўзаро уйғун тизим сифатида қўлланилганда самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарори — "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"
2. Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг IV конференциясида қабул қилинган. — <https://u24.uz/uz/uzbekiston-zhurnalistlarining-kasb-etikasi-kodeksi>
3. McNair, B. (2018). An Introduction to Political Communication (6th ed.). Routledge. <https://www.routledge.com/An-Introduction-to-Political-Communication/McNair-McNair/p/book/9780415739429>
4. Roudakova, N. (2017). Losing Pravda: Ethics and the Press in Post-Truth Russia. Cambridge University Press. <https://www.cambridge.org/core/books/losing-pravda/CB114C1BEB94387D225D3207D187727D>
5. Davis, A. (2019). Political Communication: A New Introduction for Crisis Times. Polity Press. https://www.researchgate.net/publication/400560096_Aeron_Davis_Political_Communication_An_Introduction_for_Crisis_Times_2nd_ed
6. Norris, P., & Inglehart, R. (2019). Cultural Backlash: Trump, Brexit, and Authoritarian Populism. Cambridge University Press. https://www.researchgate.net/publication/335573163_Cultural_backlash_Trump_Brexit_and_authoritarian_populism

7. Voltmer, K. (Ed.). (2019). *Media, Communication and the Struggle for Democratic Change: Case Studies on Contested Transitions*. Palgrave Macmillan. <https://ahc.leeds.ac.uk/media/staff/499/professor-katrin-voltmer>
8. Newman, N., Fletcher, R., Schulz, A., Andi, S., Robertson, C. T., & Nielsen, R. K. (2021). *Reuters Institute Digital News Report 2021*. Reuters Institute for the Study of Journalism, University of Oxford. <https://reutersinstitute.politics.ox.ac.uk>
9. Chadwick, A. (2017). *The Hybrid Media System: Politics and Power* (2nd ed.). Oxford University Press. <https://academic.oup.com/book/1922>.